



ИНСОН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 14 август, чоршанба №130 (1347)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили


ФАХРИЙЛАРГА МУНОСИБ ТУРМУШ ТАРЗИ

Яқинда Марҳамат туман савдо-ишлаб чиқариш ҳиссдорлик жамияти билан соҳа ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси ҳамкорлигида меҳр-мурувват ва хайрия тadbирлари уюштирилди.

Савдо соҳасида ишлаган фахрийлардан 100 нафарга яқин отахон-онахон бир пиёла чойга таклиф этилди. Сўнгра, нурунийлар аллома Ал-Фарғоний мажмуаси ва водийнинг бошқа тарихий жойларини зиёрат қилиб қайтдилар.

Умуман Андижон вилоятида Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан кенг қамровли ишлар олиб бориляпти. Хусусан, бу борада вилоят ҳокимининг ҳам қарори қабул қилинган.

Унга кўра мавжуд 18 та туман ва шаҳарда фахрийларга ҳомилийк ёрдами кўрсатиш, уларнинг турмуш шартини яхшилаш, саноатликларини мустаҳкамлаш, яшаётган жойларини гулуздорларга бурқаш юза-



С.РЎЗИМатов, «Ишонч» мухбири.

сидан вилоят кўрик-танлови ўтказилмоқда.

Қишлоқ, маҳаллалар ободончилигини таъминлаб, қарияларимизга муносиб турмуш тарзи яратган жамоаларга «Дамас» русумли автомашина, пул мукофотлари ажратилган.

Ишларда ҳам ишлаш бор. Бировлар шунчаки кўл учидан меҳнат қилса, бировлар бутун борлиги билан фаолият юритади. Бундайлар ишсиз тура олмайди, уйга ҳам сиғишмайди. Ана шундайлардан бири Шамсия Саидовадир.

— Онахон автокорхонамиз жамоаси ўртасида ёки оиласи ёхуд қариндош-уруғлари даврасида эмас, жамики қосонликлар ўртасида ҳам кадр топган, — деб таъкидлайди 92-автокорхона раҳбари Полвон Шаропов. — У ўз фаолияти



БИЗНИНГ ШАМСИЯ АЯ

да этди ва хануз фаолиятини давом эттирмоқда. Мазсулиятли вазифада ишлаш билан бирга, беш нафар фарзандни ҳам тарбиялаб, камолга етказди. Айни чоғда ая 22 неварга, 3 чеваранинг ардоқли бувижониси.

Жаннати бу аёл онаси ташлаб кетган қизчани ҳам набиралари қаторида тарбиялаб келаётир.

Нормат ТОВА.

Денов туман халқ таълими тизимида ишлаб нафақага қузатилган 937 нафар ўқитувчи бор. Улардан 293 нафари шоғирдлари билан бирга бола-жонларимизга таълим-тарбия беришни давом эттириб келмоқдалар.

БИР ПИЁЛА ЧОЙ БАҲОНА

Туман таълим вафан ходимлари касаба уюшма кўмитаси 11 нафар ёлғизлини қолган аёлларнинг ижтимоий аҳолини ўрганиб, турли байрам тadbирларида уларнинг ҳар бирига энг керакли неъматлар тақдим этди. Соғлиқларини тиклаш учун нафақахўрлардан Эргаш Рашидов, Мардон Қаримовларга «Ҳазорбоғ», «Сурхон» сўхатгоҳларига бепул йўланмалар берилди. Бундан ташқари, 18 нафар нурунийга 6000 сўмгача моддий ёрдам кўрсатилди.

Тизимда узоқ йиллар ишлаган фахрий устозлар, уруш қатнашчилари Денов шаҳридаги «Осиё» ресторанида бир пиёла чойга таклиф этилди.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

ТОЖИКИСТОНГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ АЖРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазириликда Тожикистон Республикасининг табиий офат туфайли зарар кўрган хўжалиқдаги аҳоли учун ажратилган инсонпарварлик ёрдамини манзилга етказиш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг қатор вазирилик ва муассасалари вакиллари иштирок этди.

Тожикистоннинг Тоғли Бадахшон вилояти Даштак қишлоғида рўй берган сел натижасида 21 одам ҳаётдан кўз юмиб, етмишдан зиёд бино вайронага айланди. Айни пайтда табиий офат оқибатларини тугатишга кўмаклашиш, зарар кўрган аҳолига ёрдам бериш ишлари бошлаб юборилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг фармойишига кўра ажратилган инсонпарварлик ёрдами бир неча вагон қурилиш материаллари (цемент ва шифер), 20 тонна ун, беш тонна макорон маҳсулотлари ва беш тонна шакардан иборат. Фавқулодда вазиятлар вазириликдаги йиғилишда мазкур юкни манзилга иложи борица тезроқ етказиш учун амалга оширилиши лозим бўлган ишлар билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

(ЎзА).

ЗАМИН МЕҲРИ

...«Марҳаматга, Умурзоқ Қорабоев номидаги ширкат хўжалигига боринг, ҳақиқий пахта ни ўша ерда кўрасиз», деб маслаҳат беришди Андижон вилояти ҳокимлигида. Бизни пишқ-пухта, дўппи ва этик кийган киши табассум билан қарши олди: «Хуш келибсизлар!»

Сухбат бошланди. Отахон Алиматов хўжаликни бошқараётганига ҳали кўп бўлгани йўқ экан. Уни ўтган йили май ойида ўтказилган умумий йиғилишда яқдиллик билан раисликка сайлашибди. Шу пайтгача узоқ йиллар ғаллачилик бригадасини бошқарган. Маълумки, қишлоқда бригадир энг масъул шахс: ҳамма нарсага мироб, тракторчи, звено бошлиғи эмас, айнан бригадир жавоб беради. Мана шу лавозимда 1999 йилда мамлакат ғалла мустақиллигига қўшган улкан ҳиссаси учун Отахон Алиматов «Ўзбекистон Қаҳрамони» олий унвонига сазовор бўлган эди.

Мустақиллик одимлари

Энди унинг қаршисида янги уфқлар очилган — бир эмас, икки эмас, йигирмата бригадига раҳбарлик қилади. Янги вазифада дастлаб кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлади. Ҳамма нарса икки-чикиригача ўрганиб чиқди, одамлар билан яқиндан танишди, ер тузилмасини, машина парки, бухгалтерияни ўрганди.

Ҳамқишлоқлари бошданқў унинг кўлтиғига кирди. Натижада йил яхши кўрсаткичлар билан якунланди: 724 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан режадаги 30 ўрнига 38 центнердан ҳосил олинди.

Бу йил эса режани сентайроқ ойининг дастлабки кунларидаёқ удалашмоқчи. Бу дадил ниятнинг асоси бор, албатта — кўпгина майдонларда пахта очилиб қолган.

— Бу йил ҳар гектар майдондан 60 центнердан ҳосил кўтармоқчимиз, — дейди Отахон ака. Унинг далиллари жуда ишонarli. Ўтган йили чигитни плёнка остига бир қатордан экишган бўлса, бу йил эса икки қатордан экилган. Илгари ҳар гектар майдондан юз минг туп ўстиришган бўлса, бу йил кўчатларнинг сони 50 минггага кўпайган.

Ишининг кўзини билиш шу-да! Хўжалиқда ҳар бир қарич ер эҳтиёт қилинади, ҳар томчи сув тежалди. Мамлакатда пахта ни плёнка остига экиш ташаббуси айнан мана шу ерда бошланган. Бошқа чораси ҳам йўқ: статистика маълумотларига қараганда, Андижон вилояти бутун МДХда аҳоли энг зич жойлашган минтақа ҳисобланади. Аҳоли фақат ўзининг кучи ва маҳоратига ишонади, экин майдонларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади.

Она замин бу гамхўрликка лойиқ жавоб қайтаради. Боглардаги дарахлар шоҳлари мевадан эгилиб турганини, полиз ва сабзавот маҳсулотлари кўзини ўйнатишини бир кўрсангиз эди! Ҳалла сотиш режаси ҳам удаланган — 82 центнердан бугдой ҳосили олинган. Бу ўтган йилдагидан 16 центнер кўп бўлиб, тумандаги энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Яна бир нарса эътиборини тортди: ҳар бир уй ва дала шийпони ёнида, сўқмоқ ва йўллар бўйида гул ўсиб ётибди. Улар баҳордан кузгача кўзни қувонтиради. Мен бундай гўзалликни ҳали кўрмаган эдим. Табиатнинг ўзи ҳам кишилар қиёфасига таъсирини ўтказган: ҳаммининг тили ширин, болага ҳам сизлаб муомала қилинади. Фарғона водийсига «Олтин, гуллаб-яшнаётган водий» деган таъриф бежиз берилмаган!

Раис билан мана шу азиз ер, сўнги ўн йилда деҳқонлар энгил нафас олгани, ўзини ҳақиқий хўжайин ҳисоблагани ҳақида гаплашамиз. Ҳеч нарса осмондан тушиб қолмайди ахир. Бу неъматларнинг барчаси Отахон Алиматов сингари кишиларнинг машаққатли меҳнати самарасидир. Шунинг учун ҳам у мана шу заминда яшаётганидан ниҳоятда бахтиёр!

Рустам ШАҒАЕВ, ЎзА махсус мухбири.

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС РИВОЖИ

Пойтахт ҳокимлигида тadbиркорликни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш ва тadbиркорлар фаолияти учун имкониятларни янада кенгайтиришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов бошқарган мазкур тadbирда мамлакатимиз Президентини Исом Каримовнинг жорий йил биринчи ярим йиллик якунларига бағишлаб Вазирилар Маҳкамасида ўтказилган мажлисдаги марбузасида кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантириш, тadbиркорликни рағбатлантириш борасида ўртага қўйилган вазифалар, шунингдек, пойтахтда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг аҳоли, уларни хошимаш билан таъминлаш, ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва молиявий кўллаб-қувватлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Тошкент шаҳрида бугунги кунда 25 минг 450 кичик ва ўрта бизнес субъекти рўйхатга олинган. Ҳозир улардан 19 минг 390 таси фаолият кўрсатмоқда. Шу йил биринчи яримда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг 45,7 фоизи кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳисобига тўғри келди.

Айни вақтда Тошшаҳарсавдо, Матлуботсавдо, Маишийхизмат, Маҳаллий саноат ва бошқа улгуржи савдо тизимлари томонидан жорий йилнинг биринчи яримда 14 дўкон ташкил қилиниб, кичик ва ўрта бизнес субъектларига моддий-техника ресурсларини сотиш йўлга қўйилди. (ЎзА).

ТУҒРУҚХОНА МАЖМУИ ИШГА ТУШДИ

Навоий шаҳрида мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллик байрами арафасида вилоят туғруқхона мажмуи фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанادا вилоят шифокорлари, тегишли ташкилот ва муассасалар ходимлари иштирок этди.

— Қурилиш учун 202 миллион сўмлик маблағ сарфланди, — дейди мажмуа бош шифокори Фулом Аслонов. — Тўрт қаватдан иборат мажмуамизда ҳомиладорлик, туғруққа тайёрлаш, туғруқ, реанимация каби бўлимлар ҳамда вилоят репродуктив соғломлаштириш маркази жойлашган.

150 ўринли туғруқхонада Япония гранти асосида замонавий тиббий асбоб-ускуналар ўрнатилди. Шунингдек, ҳомиё ташкилотлар ҳисобидан 13 миллион сўмликдан ортиқ зарур жиҳозлар сотиб олинди. Маросимда вилоят ҳокими Б.Рўзиев иштирок этди.

ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

Кибрай туманининг Дўрмон ширкат хўжалигида «Энг улуг, энг азиз» кўрик-танловининг Тошкент вилоят босқичи бўлиб ўтди. Мазкур танлов, мана, тўрт йилдирки, республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшма-

си, Ўзбекистон Оммавий аҳборот воситаларини демократиялаштириш ва кўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорлигида ўтказиб келинмоқда. Танловда иштирокчилар ўзларининг истиклол йилларида рўй берган буюқ ўзгаришлар, халқимизнинг бунёдкорлик меҳнати, юртимизда қарор топган тинчлик ва осойишталик, миллатлараро товулик акс этган асарлари билан қатнашди.

Танловда Чиноз туманидаги 40-ўрта мактабнинг 5-синф ўқувчиси Фарида Каримованин «Қоя ва ғоя» деб номланган сурати голиб чиқди. Асар муаллифига биринчи даражали диплом ва эсдалик соғалари топширилди. Шунингдек, Қарияларни қадрлаш йилига бағишлаб ташкил этилган «Соҳингиз кумуши — муқаддас» кўрғазмаси ташкил этилди. Унда вилоят ижодкорларининг туркум асарлари намойиш этилди.

ТАЙЛОҚ КОНСЕРВАЛАРИ

«Тайлоқконсерва» очик акционерлик жамияти бу йил 3 минг тонна консерва маҳсулотлари ишлаб чиқаришни режалаштирган. Бу ерда тайёрланаётган сабзавотли, томатли, шарбатли консервалар хориж маҳсулотлари билан бемалол рақобатлаша олади. Хомашё етарли. Тумандаги 11 та ширкат хўжалиги билан тузилган шартномага кўра пишиб етилган мева-сабзавотлар корхонага узлуksиз етказиб берилмоқда. Завод маҳсулотларининг ички бозордан ортган қисми

Хабарлар оқимидан

ВОДИЙДА ПАХТА ТЕРИМИГА КИРИШИЛДИ

Тошлоқ туманидаги «Заркент» ширкат хўжалигининг Исроиқжон Холиков бошлик 14-бригада пудратчилари Фарғона водийсиде биринчи бўлиб пахта теримини бошлади. Мавжуд 63 гектар пахта майдонининг 32 гектариде плёнка остида эртапишар, серхосил «Тошкент-6» нави етиштирилди. Экин майдонларининг пудратчиларга бўлиб берилгани, гўза парварлишида агротехника қондаларига қатъий амал қилингани ҳосил барвақт етилишига самарали таъсир кўрсатди.

— Плёнка остидаги пахта майдонларидан 45 центнергача ҳосил олиш имкониятимиз бор, — дейди бош пудратчи И.Холиков. — Давлатга 210 тонна пахта сотамиз. Шартнома-режасини мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллик тўйигача бажариш ниятида-миз.

Ширкат хўжалигининг бошқа пудратчилари ҳам эртаинди пахта теримига тушади. Айни кунда ширкат хўжалигида мавсум тараддуди билан боғлиқ зарур ишлар ниҳоясига етказилди. Керагича этак, пахта қуритиш хирмонлари, тош-тарозилар, техника тайёрлаб қўйилди. Бу хўжаликдаги 400 гектар пахта майдонларидеги ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олиш имконини беради.

Хабарлар оқимидан

ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТ

Ғиждувон механизациялашган кўчма жамланманиннг бўшаб ётган цехларидан бири «Мухаммадризо» хусусий ишлаб чиқариш фирмасига айлантирилиб, бу ерда ўқувчилар партаси тайёрлаш йўлга қўйилганди. Фирма бир йилда 500 комплекта парта ишлаб чиқармоқда.

— Ушбу маҳсулотга нафақат вилоятимизда, балки ундан ташқарида ҳам талаб кучли, — деди фирма бошлиғи Фуломқодир Ризаев «Туркистон-пресс» мухбирига. — Фирмада шунингдек, тикув цехини ҳам ишга туширганмиз. Ишчиларимиз томонидан тайёрланаётган нон маҳсулотлари ҳам ўз харидорларини топди. Хуллас, ишлаб чиқаришни кенгайтиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

— Яқинда яна янги тикув дастохлари сотиб олмақчимиз. Темир-бетон ва шлакблوك ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўямиз, — деди М. Ризаев келгуси режалар ҳақида гапираркан. — Шу мақсадларда «Пахтабанк» орқали Бандлик жамғармаси заҳира маблағлари ҳисобидан 8 миллион сўм кредит олдик. Бу эса нафақат ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, балки ишчи ўринларини кўпайтиришга ҳам хизмат қилади.

ЎзА, «Туркистон-пресс» ва «Ишонч» мухбирлари.

Ислоҳот инсон учун

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ иқтисодий қийинчиликлар Самарқанддаги шойи тўқима иқтисодлашган «Мусаффо» хиссадорлик жамиятини ҳам четлаб ўтмади. Айниқса, хомашё танқислиги бир қанча муаммоларни келтириб чиқарди. Чет эл сармояларини жалб этиш мазкур корхона учун янги имкониятлар очди. Янги ташкил этилган «Бахмал» қўшма корхонаси ўтган йилнинг августда иш бошлади. Унга тadbirkor Даврон Ахров раҳбарлик қилди.

Бундан ташқари корхонадаги тиббий маскан ходимлари ишчиларнинг соғлигини мунтазам назорат қилиб борадилар. Зарур ҳолларда шу ерда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда даволаш чоралари қўрилади.

«БАХМАЛ»НИНГ ДАДИЛ ОДИМИ


— Корхонада ишлаб чиқариладиган бахмал матоларига нафақат республикамизда, балки хорижда ҳам талаб катта. Бинобарин, ишлаб чиқаришни барқарор юритиш иқтисодиётга катта наф келтириши мумкин, - дейди бош директор. - Шу боис мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, янги қўшма корхонани ишга туширдик. Чет эл билан ҳамкорлик қутилган самарани берди. Қисқа вақт ичида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортди. Корхонанинг молиявий-иқтисодий аҳоли барқарорлашди. Манфаатдорлик ошганлиги туфайли одамлар иштиёқ ва кунт билан меҳнат қилишмоқда.

Корхона раҳбарияти ақилона иш тутди. Янги қўшма корхона ташкил этилаётганда «Мусаффо» акционерлик жамиятида ишлаб турган ходимлар тўлиқ ишга тақвиль этилди. Хатто шу ерда ишлаб нафақага чиқиб кетганлар ҳам рўйхатдан ўчирилмади. Бунда қасаба уюшма кўмитасининг ҳам нуноси хисоса бор, албатта. Ҳозир қўшма корхонада 561 киши ишлайди. Уларнинг қарийб 70 фоизи хотин-қизлардир. Ишчиларнинг ойлик ўртача иш ҳақи 50 миңг сўм. Ижтимоий ҳимоя тадбирлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Ўтган бир йил ичида иш шaroитини яхшилаш, техника хавфсизлигини

таъминлаш мақсадида кенг қўламда таъмирлаш ишлари бажарилди. Усуқналар назоратдан ўтказилиб, химоя жиҳозлари ўрнатилди. Бугунги кунда корхона цехлари озода, ёруғ, салқинлаштирилган. Усуқналар ишлаб турганини демаса, дам олиш масканига ўхшаб кетади. Барча цехларда ювениш, дам олиш хоналари ва бошқа қулайликлар мавжуд. — Нимагаки эришган бўлса, ҳаммаси ошқоралиқнинг натижасидир, - дея суҳбатни давом эттирди қасаба уюшма кўмитаси раиси Ашур ака Дўстқобилов. — Иш режими ва жамоа шартномасини ишлаб чиқишда ишчиларнинг фикр-мулоҳазаларига асосландик. Натижада жамоа шартномасига меҳнат қонунлари белгиланганидан зиёдроқ имтиёзлар киритилди. Жамоа аъзоларининг бир қанча тақлифлари маъқулланди. Бир сўз билан айтганда қасабақўлда киритиладиган ҳар бир масала олдиндан ишчилар билан суҳбатлашиб сўнг амалиётга жорий этилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя, соғломлаштириш, меҳнат муҳофазаси масалалари ҳам яхши йўлга қўйилган. Ишчилар санаторий йўланмалари билан талабга мувофиқ таъминланмоқда. Тармоқ қасаба уюшмаларининг «Кoinот» оромгоҳида корхона ишчи-ходимларининг 43 нафар болалари дам олдирилди. Ишчилар ҳар йили бир марта тиббий кўриқдан ўтказилади.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.



Айни кунларда Фарғона вилоятидаги «Кўқондон маҳсулотлари» хиссадорлик жамияти Ўзбекистон, Бешариқ, Данғара ва Фурқат туманларининг хўжаликлари ва фермерларидан жами 72 миңг тоннадан зиёд дон қабул қилиб олди. Шундан 4 миңг 820 тоннаси сара меъёрга биноан маҳсулот кийим, ҳимоя воситалари, озик-овқат билан таъминланган. Жамоа шартномасида белгиланганига кўра меҳнат муҳофазаси тадбирларига 8 миллион сўмга яқин маблағ ажратилган. Бундан ташқари биринчи ёрдам учун 1 миллион 240 миңг сўмга дори-дармон харид қилинди. Корхона меҳнат муҳофазаси муҳандиси Мария Рукмосова техника хавфсизлиги талаблари қатъий бажарилишини доимий назорат қилади. Қисқаси, ҳамма битта мақсад сари интилгани учун муваффақиятларга эришилмоқда.

тонна ун маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Ҳозирги кунда бу ерда 700 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Ишчиларнинг самарали меҳнат қилишлари ва кўнгилли дам олишлари учун барча шароитлар мавжуд.

Суратларда: корхона иқтисодчилари Камолхўжа Назаров ва Шухрат Жабборов; бош муҳандис Бахтиёр Собиров. Ш.ОЛИМОВ, (Ўза) олган суратлар.

Ўзбекистон мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий госпиталида АҚШ глобал соғлиқ Институти ҳарбий мутахассислари билан ҳамкорликда «Фавқулодда ҳолатларда етакчилиқка интилиш ва жароҳатланиш тизимини бошқариш» мавзюда очик семинар ўтказилмоқда.

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТЛАРДА ҲАМКОРЛИК

Семинар госпиталда беш кун давомида бўлиб ўтди. Унда 40 нафар ўзбекистонлик жароҳ, травматолог, терапевт, шифокорлар, ҳамширалар ва бошқа мутахассислар иштирок этмоқда. Улар фавқулодда ҳолатларда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва жароҳатланишининг олдини олиш борасида тажрибаларини ошириш учун бу ерга йилгилашган.

Анжуман давомида фуқаро ва ҳарбий мутахассисларнинг ҳамкорлиги, йўриқчиларни тайёрлаш ва танлаш тажрибалари, шунингдек, фавқулодда ҳолатларда аҳолини хавфсиз жойларга эвакуация қилишда уларнинг малакасини оширишга асосий эътибор қаратилди.

Шунингдек, семинарда чегараолди ва бошқа хавфли ҳудудларда мутахассисларнинг ҳамкорлигидаги фаолияти, муаммоларни тезлик билан бартараф этиш механизмлари ҳам ишлаб чиқилди. «Туркистон-пресс»

АҲОЛИ ИШОНЧНИ ҚОЗОНИБ

Сугурта бозори молия инфратузилмасининг муҳим тармоқларидан биридир. Бинобарин, «Сугурта тўғрисида»ги қонун ва унга доир ҳуқуқат қарорлари бозор шароитида аҳолини ҳар хил табиий офатлардан сақлашга қаратилган.

«Узагросугурта» давлат акциядорлик компаниясининг Денов тумани бўлими Сурхондарё вилоятидаги фаол жамоалардан бири. Бўлинма ходимлари қишлоқ хўжалик экинларини турли офатлардан сугурта қилиши, аҳолини ихтиёрий сугурталаш борасида ибратли ишларни амалга ошириб келмоқдалар.



— Асосий вазифамиз қишлоқ хўжалик корхоналари, деҳқон фермер хўжаликлари, давлат муассасалари, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, ишчилар ва қишлоқ аҳолиси шахсий ҳаёти, мол-мулклари, экинлар, дов-дарактлар, чорва молларини сугуртавий ҳимоялашдан иборатдир, - дейди туман бўлим мудири Муҳиддин Азимов. — Сўнги йилларда мамлакатимизда ушбу соҳа фаолиятини ривожлантиришга кенг имконият очилганлиги самара берапти. Шу боис бу борадаги кўрсаткичлар ўсиб бормоқда. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳақиқий аҳолини аниқлаш, аванс оладиган ҳар бир хўжалик бўйича таҳлилий ҳулосалар тайёрлаш, бўнақ пулларни ташкилотларга вақтида тақсимлаш ва ундан самарали фойдаланишда амалий ёрдам берилмоқда.

Жорий йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик корхоналари билан 28 та шартнома тузилган бўлиб, сугурта

тўловлари миқдори 5 миллион сўмдан ошиб кетди. Деҳқон фермер хўжаликлари ўртасида 32 та контрактация шартномалари тузилиб, улардан бир миллион сўмдан ортиқ сугурта тўлови тушди. Давлат корхоналари ўртасида 12 та шартнома имзоланди. Айни пайтда тайёрлов идоралари томонидан контрактация шартномалари бўйича ажратилган маблағлар ҳам бўлинма томонидан сугурталанди.

Фуқаролар ўртасида ихтиёрий сугурталашга бўлган ишончини ошириш, мақсадида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бунинг натижасида аҳоли ўртасида 17 миңг та шартнома тузилди ва табиий офат, ёнғиндан қўрилган зарар учун аҳолига сугурта қопламаси тўланди. Ҳозирги кунда фуқаролар ҳаётини сугурталашга оид 6380 та шартнома амалий ҳаракатда. Муддати тугаганларига сугурта пуллари ўз вақтида устама қўшилган ҳолда тўлаб борилапти.

Бошқача қилиб айтганда, ўтган давр ичида бўлинма режадаги 39148,2 миңг сўм ўрнига 41991,2 миңг сўмлик маблағ тўпланиб, топшириқ ошириб бажарилди. Вазирлар Маҳкамасининг сугурта қилиш тўғрисидаги қарори асосида аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган. Ходимлардан Ш.Тантанаева, Х.Ниёзов, Х.Маматқулов, А.Назаров, Б.Мейлиевалар меҳнат жамоалари, хўжаликлар ва маҳалларда бўлиб, «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг аҳамияти ҳақида суҳбатлар ўтказишяпти.

ЁЛҚИН.

Тошкент вилоятида янги 2002-2003 ўқув йилига тайёргарлик жадал олиб борилмоқда. Хусусан, янги мактаб бинолари қуриш, қўшимча синфхоналар очиш, уларни замонавий жиҳозлашда давлат маблағларидан ташқари ота-оналар, ҳомий ташкилотлар кўмаги ҳам катта бўлмоқда.

МАКТАБЛАРГА ҲОМИЙЛАР МАДАДИ

Этиборлиси шундаки, мактабларга оталиқ ёрдами кўрсатиш ташаббуси билан чиққан Тошкент, Қибрай, Зангиота туманлари қаторига бу йилдан бошлаб Бўка, Қўричирчиқ туманлари, Олмалик шаҳри маориф жонқуярлари ҳам қўшилди.

Вилотимиз бўйича қурилиши тугалланмаган ва авария ҳолатидаги 52 та мактаб бор, - дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Т.Умаралиев. - Биз уларни маҳсул дастурга киритиб, босқичма-босқич мукаммал таъмирлаган ҳолда фойдаланишга топширишни режалаштирганмиз. Шу мақсадда ўтган йили давлат маблағи ҳисобидан олтинта янги мактаб қурилиши ниҳоясига етказилиб жиҳозланган бўлса, ҳомийларнинг 1 миллиард 867 миллион сўм маблағи ҳисобига битта мактаб, бир қанча қўшимча синфхоналар қурилди. Уларга 371 миллион сўмлик синф жиҳозлари (парта, стол-стул, доска/етказиб берилди. Жорий йилда эса авария ҳолатидаги тўққизта мактабни қайта тиклаш режалаштирилган.

Хусусан, вилоятда кейинги уч йил мобайнида 13 миңг 290 ўқувчи ўрнига эга бўлган 18 та янги мактаб биноси қуриб фойдаланишга топширилган бўлса, шундан 4 миңг 560 ўқувчи ўрни ҳомийлар маблағи ҳисобидан бунёд этилди. Зангиота туманидаги ҳар бири 520 ўринли иккита мактаб, Бўка туманида 200 ўқувчи, Пскенда 1300 ўқувчи, Тошкент туманида 140 ўқувчи, Қибрайда 220 ўқувчига мўлжалланган қўшимча синфхоналар шулар жумласидандир. Замонавий компьютер техникаси билан жиҳозланган 21 мактабнинг олтинтадан бу иш ҳомийлар маблағи ҳисобидан амалга оширилди.

Қадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур доирасидаги бундай хайрли ишларга хорижий ҳамкорлар ҳам хисса қўшмоқда. Япония элчихонасининг бегараз ёрдами билан Бекобод шаҳридаги 2-, 13-, Чирчиқдаги 7-, 8-, 26-урта умумтаълим мактабларига бир талай ўқув жиҳозлари тақдим этилди.

Янги ўқув йили арафасида эса ҳомий ташкилотлар маблағлари ҳисобидан 5434 ўқувчи ўрнига мўлжалланган янги мактаблар ва қўшимча синфхоналар қуриб фойдаланишга топширилмоқда.

(Ўза).

Иzzат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

ТЎҚИМАЧИЛАР ЮТУҒИ

Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятдаги энг йirik корхоналардан бири бўлмиш «Бухоротекс» акциядорлик жамиятида 21,6 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Бу режалаштирилгандан 650 миллион сўмга кўп.

Умуман акциядорлик жамиятида 31,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Ўтган олти ойда корхонада 11,5 миңг тонна ип, 60 миңг квадрат метр тайёр газлама тўқилди. Айни вақтга қадар 17,5 миллиард сўмлик маҳсулот сотилди.

Акциядорлик жамиятида экспорт-импорт қувватини янада орттириш мақсадида иш олиб борилмоқда. Масалан, жорий йилнинг шу даврига қадар 3,3 миллион дона юмшоқ сочқилар ва 900 тонна ип экспорт қилинди. Чет элларга маҳсулот сотиш баробарида корхона 5 миллион доллар даромад қилди. Маҳсулот ишлаб чиқаришга эса 750 миңг доллар сарфланди.

Ишлаб чиқаришнинг бир маромда кетаётганлиги, даромадининг ортиб бораётганлиги корхонанинг иқтисодий аҳоли яхшиланishiга хизмат қилмоқда, - деди акциядорлик жамияти етакчи иқтисодчиси С. Барноева «Туркистон-пресс» мухбирига. - Ўтган ярим йилда ишчи-хизматчиларнинг шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқариш тизимини бир маромга келтириш учун 527 миллион сўм сарфланди. Шундан 76 миллион сўми ишчи-хизматчиларнинг озик-овқати учун сарфланган бўлса, 5,2 миллион сўм моддий ёрдам сифатида ажратилди. Шунингдек, меҳнаткашларнинг фарзандларини «Еш тўқимачи» оромгоҳида дам олдириш, «Тўқимачи» санаториясидаги шароитларни яхшилаш учун ҳам маблағ ажратилди.

Яқинда Боевут туманида бўлиб ўтган бўш иш ўринлари ярмаркасида 31 та ташкилот, корхона ва хусусий ишлаб чиқариш фирмалари иштирок этди. Улар ўз жамоаларида бажарилаётган юмушлар хусусида иш ахтарувчиларда тўла тасав-

Меҳнат ярмаркаси

злик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан биргаликда маҳаллий хом ашёдан меҳнат тайёрлаш, дурадгорлик каби соҳалар ривожлантирилмоқда. Қишлоқ ва маҳаллалардан

ҚИШЛОҚ АЁЛЛАРИ ИШЛИ БЎЛИШДИ

вур уйғотишга интилишди. Ўзга ҳудудлардаги меҳнат бозорларидан фарқли ўлароқ асосий ўринларни маҳаллий хом ашёдан маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйган қосиб-хунармандлар эгаллашди.

— Ривожланган давлатларни ҳам ишсизлик муаммоси ташвишга солаётгани бежиз эмас. Аммо, бу ҳолат бизнинг юртимизга бегона. Бу хотиржамликка берилишга асос бўлмоқда, - дейди Сирдарё вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Қўчқор Ҳасанов. — Меҳнат ярмаркаларидан маълум бўлаптики, бизда етарлича бўш иш ўринлари ҳам бор. Албатта, ўз қасб-корига эга бўлмаганлар ҳам йўқ эмас. Биз ана шундайларни қайта ўқитиб, фойдаланиш мақсадида жалб этишимиз лозим.

Меҳнат бозори иштирокчилари маиший хизмат кўрсатиш уюшмасида тайёрланган 30 турдан ортиқ каштачилик, зардўзлик маҳсулотлари билан танишдилар. Ешларда бу соҳага мойиллик бўлса, улар уюшманинг олти ойлик курсларида бемалол таҳсил олишлари мумкин экан. «Шамс» хусусий фирмаси эса аёллар ва болалар либослари, зардўзлик буюмлари тайёрлашга ихтисослашган. Ешлар ярим йилда устоз-шогирд ўқув курсини тамомлаб фирма ходими бўладилар. «Каштачи» масъулияти чекланган жамият, қишлоқ аёлларини ишга жалб этишни ўзига вазифа қилиб олган. Бу ерда тикувчилик, зардў-

келган турли ёшдаги иш ахтарувчилар ўзларига маъқул бўлган ўринлар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишди. Айниқса, ишсиз аёллар ўз уйларида ўтириб фойдаланиш билан таъминланиш мумкинлигини англашди. Бунинг учун туманда барча шарт-шaroит яратилган.

— Қишлоқ аёли уйим-жойим деб бирор иш этагини тутолмай қолади, - дейди уй бекаси Ҳалима Нишоновна. — Ўзим ҳам шу ҳолатга тушганларданман. Аммо, момоларимиздан зардўзлик сирларини озми-кўпми ўрганганман. Бу хунаримни ишга солиш фурсати етди, деб ўйлайман. Бемалол уйда ишлаб муайян даромад орттирсам бўлар экан. Шу боис маиший хизмат уйи билан шартнома тузишни режалаштириб қўйдим.

Меҳнат бозорида ташкилот, корхона ва фирмалар томонидан 101 та бўш иш ўринлари тақвиль этилди. 130 нафар ишсиз фуқаролар рўйхатга олинди. Уларнинг 61 нафари шу куннинг ўзида ишга жойлаштирилди. 35 нафар киши эса қасб тайёргарлигига, қайта ўқиш ва малака оширишга юборилди экан бўлди. 20 нафар фуқаро эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. Бундан ташқари бозор иштирокчилари меҳнат қонунлари, меҳнат бурчлари, ишга жойлашиш тартиби каби ҳуқуқий мавзюдаги ахборотларни тинглашди.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

КОММУНАЛ ХИЗМАТ ҲАҚИНИ ТЎЛАШНИ УНУТМАНГ

Коммунал хизмат кўрсатиш ижтимоий ҳаётдаги энг муҳим тармоқлардан биридир. Аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, атроф-муҳит озодлигини таъминлаш, ичимлик суви ва газ таъминоти барқарорлиги жойларда коммунал хизмат нечоғлик пухта йўлга қўйилганлигига боғлиқдир. Хусусан, Бухоро вилоятида моддий ва табиий захиралардан тежамкорлик билан фойдаланиш, коммунал соҳада ислохотларнинг бажарилиши юзасидан изчил тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Бу борада инсон ҳаёти учун энг зарур ҳисобланган ичимлик суви таъминотини яхшилаш, қўшимча мабзаларни аниқлаш ва ишга тушириш, об-ҳаётдан тежамкорлик билан фойдаланишга қаратилган 2010 йилгача бўлган дастур ишлаб чиқилди.

Тажрибали мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи табиий газдан фойдаланишнинг аҳолини ҳам синчковлик билан ўрганмоқда. Газ қувурлари қайта хатловдан ўтказилган сўнг 450 та ноқонуний уланишлар аниқланиб, хўжалик субъектлари ва истеъмолчилардан 12 миллион сўм жарима ундириб олинди.

Вилоятда айни дамда 55 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари тузилиб, 994 та кўп қаватли уйлар тасарруфига ўтказилди. Ҳозиргача турар-жойларни мукаммал таъмирлаш юмушлари учун 142,5 миллион сўм ҳаражат қилинди. Ширкатларга бириктирилган ҳудуднинг умумий майдони 5591,2 миңг квадрат метрни ташкил этади. Уй-жой мулкдорла-

дастурини бажариш учун хали кўп иш бажарилиши лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг «Уй-жой фондини суви ва газни ҳисобга олиш асбоблари билан жиҳозлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, аҳоли хонадонларига 232398 дона газ, 79830 дона суви ўлчаш асбоблари ўрна-тириш режалаштирилган бўлиб, ҳозирга қадар 18889 дона газ ва 10693 та суви ўлчаш асбоблари ўрнатилган, холос.

Аҳоли хонадонларига газ ўлчаш асбоблари ўрнатишга Вобкент туманида алоҳида эътибор берилапти. Ўтган ярим йилликда истеъмолчилардан 50 фоизи бундай усқуналар билан таъминланди. Бироқ, Қорақўл, Бухоро, Ғиждубон туманларида аҳолини газ ва суви асбоблари билан таъминлаш пайсалга солинмоқда.

Қишлоқларни газлаштириш ва сифатли ичимлик суви билан таъминлаш чора-тадбирлари кўриляпти. Бироқ ресурслардан оқилона фойдаланмаётганлиги туфайли исрофгарчиликка йўл қўйиш, самарасиз йўқотишлар, ортиқча сарфлашлар учраб турибди. Бу соҳада Қорақўл, Олот, Ромитан, Когон туманларида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар талайгина.

Иzzат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

ОЛТИН ЁЗ

унинг ҳар дақиқаси мазмунли ўтмоқда

РАҲНАМО — КАСАБА УЮШМАСИ

Иккинчи йилдирки, мирзачўлик болалар касабаси уюшмалари сай-ҳаракати билан ташкил этилган сўлим Сирдарё соҳилларидаги янги масканларда дам олдирилмоқда. Агроекономика мажмуи ходимлари Мирзаобод туман кўмитаси раиси Сафар Қодиров ҳамкорлигида бирлашган оромгоҳга отландик. Раис йўл-йўлакай амалга оширилган ободонлаштириш, таъмир ва таъминот ишлари ҳақида сўзлаб берди.

Туманга қарашли «Семурғ» оромгоҳида бўлди. Икки қаватли шинам бинода мирзаободлик меҳнатқашларнинг 110 нафарга яқин фарзандлари дам олдирилаётган экан. Улар учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Ётоқхоналар шинам, ораста, сифатли таъмирдан чиқарилган. Биз борган кун болаларнинг спорт беллашуви ўтказилаётган экан. Гуруҳлар ўртасида курашлар, чаққонларни аниқлашга ҳолис ҳакамлар жалб этилган. Ўзбекистон молик жиҳатлардан бири - бой адабиёт фондига эга бўлган кутубхона ташкил этил-

ган. Бу ерда болалар нафақат дам олиб таналарини чиниқтиришади, балки бой маданиятимиз сарчашмаларидан баҳраманд бўлишади, буюк алломаларнинг нодир асарлари билан танишишади.

— Оромгоҳда болалар режа асосида дам олишади, — дейди тарбиячи Зоҳида Чинниқулова. — Хордиқда китоб ўрнини ҳеч нарса боса олмас керак. Шу боис ҳам ўқув залини ташкил этганмиз. Болажонларимиз мумтоз адабиётларимиздан тортиб, ўзбек ва жаҳон халқлари эртаклариғача ўқиш имкониятига эга.

Пештоқиға «Бургутча» ёрлиғи илгинган болалар оромгоҳида ҳам бўлди. Бу хордиқ масканида Сайхунобод туманидан келган 110 нафар ўқувчи соғломлаштирилаётган экан. Оромгоҳнинг бошқалардан ажралиб турадиган жиҳати таъминотнинг намунали ташкил этилганидир. Таъминотчи Нурмурод Нуровнинг таъкидлашича, тумандаги Шўрўзақ, Галаба, Т.Ғуломов номи ширкат уюшмалари дам олувчиларга ўзларидеги ишлаб чиқарилаётган махсулотларни мунта-

зам етказиб беришаётган экан.

Бу ерда мураббийлар болаларнинг мазмунли хордиқ чиқариши учун бутун маҳоратини ишга солишмоқда. Латофат Мусаева, Оқмарал Ўташева, Олсув Абдураҳмонова сингари тарбиячиларни шундай инсонлар қаторига кириштиш мумкин.

Сирдарё туманининг Назарбек Хайдаров номи, Гулистон туманининг «Турон» ҳамда «Оқ олтин» агрофирмаларига қарашли оромгоҳларда чўлқувлар фарзандлари хордиқ чиқараётганлиғига гувоҳ бўлдик.

«Гулистон» оромгоҳи ўзига хос мавқега эга. Республика оромгоҳлари ўртасида намуналиги жиҳатидан нуфузли ўринни эгаллаб келган бу дам олиш масканини бир неча йиллардан буён тажрибали мураббий Қодир Холбоев бошқариб келяпти. Бу йил ҳам Гулистон шаҳрида истиқомат қилувчи 160 дан ошқ ўқувчилар таътил кунларини шу ерда ўтказишади. Ҳар бир дам олувчига бир кунда минг сўмлик маблағ сарфланмоқда.

И.НУРИЛЛАЕВ.

«ГУЛИСТОН» ДА БИР КУН

Шаҳрисабз туман кишлоқ ва сув хўжалик бошқармаси тасарруфида бўлган «Гулистон» оромгоҳи анча муддат ўз фаолиятини тўхтатиб қўйган эди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси ихтиёрига ўтказилган бу ерда кенг қўламдаги ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Натижада дам олиш маскани яна келажакимиз эгаларини қабул қила бошлади.

Бу йилги мавсумда 450 нафар ички ишлар тизимида фаолият кўрсатаётган ходимлар фарзандларини дам олдиришга мўлжалланган бу масканда бўлиб, олиб борилаётган ишлар билан танишидик. Бош етакчи Саодат Боқиева ҳам-



роҳлигида болалар дам оладиган хоналарни кўздан кечиришимиз. Тоза ва шинам хоналарда болажонлар мириқиб дам олишапти. Соя-салқин жойлар кишига роҳат бағишлайди.

Суратда: тарбиячи Санобар Хусанова болалар даврасида.

«Дилором» дам олиш маскани Балиқчи тумани меҳнатқашларнинг энг сўлим оромгоҳларидан. 1996 йилда ташкил этилган бу гўшада айни кунларда 400 нафарга яқин ўғил-қизлар дам олишмоқда.

— Дам олиш масканимизда келажакимиз эгалари бўлган болажонлар учун зарур кулайликлар яратилган, — дейди оромгоҳ раҳбари Мухторжон Давронов. — Ҳомийлар, ширкат хўжаликларининг ёрдами билан оромгоҳни таъмирладик. Гулзорлар барпо этиб, кўплаб мевали ва манзарали дарахтлар эк-

дик. Икки гектар майдонни эгаллаган оромгоҳимизни келгусида янада кенгайтириш режалаштирилган.

Дарҳақиқат, оромгоҳда амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Кутубхона, шахмат-шахка клуби ишлаб турибди. Уч маҳал иссиқ овқат ташкил этилган. Болаларнинг дам олишини янада кўнгилроқ ўтказиш мақсадида музӣқий кечалар ўтказилмоқда. Ўтган ойда оромгоҳда Оролбўйидан келган юз



Тўғарақлар Намунали Ишласа



нафар бола соғлиқларини тиклаб қайтишди. Қорақалпоғистонлик болаларнинг мириқиб хордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар муҳайё этилди.

Оромгоҳга ташриф буюрган мизда бир гуруҳ болаларнинг футбол ўйнашаётганига кўзимиз тушди. Маълум бўлишича, бу ерда футбол тўғарағи ташкил этилиб, унга Андижон футбол лицейидан келган мураббий Ринат Котелев раҳбарлик қилаётган экан.

— Иктидорли ёш футболчиларни саралаб олиб, футбол мактабимизга жалб этмоқчимиз, — дейди Р.Котелев. — Ҳозирча 6 нафар

ўсмирни танлаб олдик. Насиб этса, улар вилоят футбол лицейида таҳсил олиб, маҳоратларини оширишади.

Оромгоҳда олиб борилаётган тадбирларга бизнинг ҳам ҳавасимиз келди. Тарбиячилардан Ойниса Турсунова, Башират Хуррамова, Муҳаббат Эшонвалар ўзларининг бор маҳорат ва билимларини ишга солишмоқдалар. Шу боис дам олувчилар мавжуд кулайликлар ва кўрсатилаётган гамхўрликлардан, энг муҳими, олтин ёзнинг ҳар дақиқаси гаштли, мазмунли ўтаётганидан мамнун.

О.ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» муҳбири.

Бу дунёда ҳар бир ота-она фарзандим, деб яшайди. Нури дилларимиз ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишишлари учун муборак юртимизда хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан

«Ишонч» фойш этади

БОЛАЛАР РИЗҚИГА КЎЗ ОЛАЙТИРГАНЛАР

сан, боғчаларда жажжилар тарбияси, таъминоти кўнгилдагидек бўлсин деб, мавжуд имкониятлар ишга солишмоқда. Бу хайрли ишдан саховатпеша кишилар ҳам четда қолишаётгани йўқ.

Афсуски, орамизда оз бўлсада, болалар ризқиға кўз олайтираётган, уларга белгиланган ноз-неъматларни талон-тарож қилаётган нопок кимсалар ҳам йўқ эмас. Пайариқ туман халқ таълими бўлимига қарашли боғчаларда давлат мулкнинг сақланиши ва бюджетдан ажратилган маблағларнинг қонуний сарфланиши назардан ўтказилганда, ташвишли ҳолатларга дуч келинди. Жумладан, 12-сонли «Камалак» болалар боғчасида хўжалик ишлари бўлими мудири вазиғасида ишлаб келган Шоҳдор Беканов назоратнинг сустиғидан фойдаланиб, кингир ишга қўл урган. У сўнгги йиллар ичида катта миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларини қўшиб ёзиш йўли билан ўзлаштирган.

«Дилфуза» болалар боғчасида бўлим мудири сифатида фаолият юритган Қувватбой Эшмуродовнинг қилмишини ҳам ҳеч бир нарса билан оқлаб бўлмайди. Ўзини болажон, ширинсухан қилиб кўрсатган бу кимсанинг ҳам кирдикорлари текшириш жараёнида фойш этилди. Устмонликни қарангки, давлат таъминоти

ти дўконидан олинган 52 кило «Нарғиза» ишлаб чиқариш корпорациясида олинган 870 кило маҳсулотларини тегишли равишда тарқатмасдан, киши билмас тарзда ҳисобдан чиқариб юборган. Бунинг устига «Форуза» боғчаси хўжалик мудиридан олинган 15875 сўмлик пахта ёғи кирим қилинмаган.

Мана бунга нима дейсиз. Фуқаро Шодийр Жобўриев узоқ йиллар «Дилшод» жажжилар масканида ишлаб келган даврида ўзини яхши ташкилотчи, жонкуяр қилиб кўрсатган. Одам оласи ичида деганларидек, кўза кундаси кунда синди. Устмон кимсанинг қилмишлари фойш этилди. У жами 397.405 сўмлик жажжиларга мўлжалланган неъматларни сув қилиб юборган экан.

Кингир ишнинг қийғиғи қирқ йилдан кейин ҳам билинади, деганларни рост гап. Охириқабатда юқорида номлари қайд этилган кишилар эндиликда афсус-надомат чекишмоқда. Бирок, сўнгги пушаймоннинг фойдаси йўқ. Шу ўринда савол туғилади: нахотки болалар боғчаларидаги камчиликлар, талон-тарожлардан у ерда ишлаётган ходимлар, мутасадди раҳбарлар беҳабар бўлишса.

Х.СУБХОНКУЛОВ,
Пайариқ тумани прокурори,
адлия маслаҳатчиси.

Икки кундан буён Корея яриморалининг шимол ва жануби ўртасида ўзаро алоқаларни яхшилашга қаратилган мулоқот давом этмоқда. Ташқи ишлар вазирлари даражасида ўтаётган Сеулдаги мазкур учрашув икки томонлама мулоқотларда давом этган тўққиз ойлик танлафусдан кейин уюштирилди. Му-

КОРЕЯ ЯРИМОРОЛИ: МУЛОҚОТ ҚАЙТА БОШЛАНДИ

зокараларда икки мамлакатни боғлайдиган темир йўлни тиклаш масаласи муҳокама этилмоқда. Умуман олганда эса, мазкур учрашув кейинги пайтда анча кескинлашиб қолган танг вазиятнинг енгилаштиришини назарда тутди.

Музокарада жанубликлар 1950-1953 йиллар оралғида бўлиб ўтган урушда вайрон бўлган темир йўлни таъмирлаш билан боғлиқ ҳарбий ва иқтисодий масалаларни қамровчи алоҳида кенгаш ўтказиш таклифини илгари сурмоқда. Бу кенгашда, жумладан, яриморали бўлиб турувчи чегара худудини миналардан тозалаш билан боғлиқ вазифалар ҳам муҳокама қилиниш кўзда тутилган. Шунингдек, учрашувда темир йўлни тиклашга кетадиган маблағ масаласини ҳал қилиш зарур. Гап шундаки, жанубликлар ўз худудидеги темир йўл тармоғи ётқизишни аллақачон бошлаб юборган. Шимолликлар эса маблағ етишмагани сабабли ҳали қурилишга киришганича ҳам йўқ.

Сеул учрашувидеги спорт соҳасида ҳамкорлик, хусусан, Пусан шаҳрида

ўтказилиши режалаштирилган Осие ўйинларида Шимолий Корея вакиллари иштирок этиши, шунингдек, урушдан кейин ажралиб кетган қариндош-уруғларни топиштириш каби масалалар муҳокама қилинмоқда. Музокарада яқин кунлар ичида икки қўшни давлат мудофаа вазирларининг учра-

шувини уюштириш ҳам режалаштирилди.

29 июн куни Сарик денгизда икки давлат ҳарбий кемалари тўқнашиши туфайли Жанубий Корея соққи кемаси чўкиб кетган ва тўрт денгизчи ҳалок бўлган эди. Шимолликлардан ҳам қурбонлар бўлган. Шундан кейин икки мамлакат ўртасидаги алоқалар янада мураккаблашди. Мазкур учрашув ана шу можаро асоратларини ҳам бартараф этиши лозим. Хуллас, мулоқот қайта бошланганидан икки томон ҳам бирдек манфаатдорлигини яширмаяпти.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, икки Корея ўртасидаги муносабатларда юз бераётган ўзгаришларни АҚШ диққат билан кузатмоқда. Оқ уй маъмурияти мазкур учрашувни Корея яриморалида тинчлик ва барқарорлик томон ташланган яна бир муҳим қадам сифатида баҳолади. Давлат департаменти вакили Филип Рикернинг таъкидлашича, бошланган мулоқот минтақа барқарорлигини таъминлаш борасидаги ижобий силжшидир.

(ЎЗА).

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ИНВЕСТИЦИЯДА ХИКМАТ КЎП

Жаҳондаги деярли барча давлатлар чет инвестицияларга жуда катта эътибор қаратадилар. Зотан, маблағнинг бу тури иқтисодни ривожлантиришда улкан аҳамият касб этади. Масалан, Россия Федерацияси жорий йилнинг биринчи ярмида четга 10 миллиард АҚШ доллари миқдоридеги инвестиция чиқарди. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан 54,9 фоиз зиёда бўлди. Энг кўп сармоя АҚШ иқтисодиётига киритилди. У 5,56 миллиард долларнинг ташкил этди. Шунингдек, Кипрга — 2,14 миллиард, Голландияга — 255 миллион доллар, Литвага — 77 миллион доллар, Эронга — 58 миллион доллар, Белорусга — 32 миллион доллар ажратилди. Ўз навбатида Россия иқтисодиётига 8,4 миллиард чет эл инвестицияси киритилди. Ушбу маблағларнинг асосий қисмини халқ хўжалигининг турли соҳаларини тараққий эттиришга сарфланмоқда.

ТОВОН ПУЛЛАРИ ТЎЛАНАЭТИР

Маълумки, ўтган йилнинг 11 сентябрида АҚШда рўй берган террор-

чилик хуружи натижасида юзлаб бегуноҳ одамлар нобуд бўлган эди. Ҳозирга келиб Америка маъмурияти жабрдийдалар оилалари аъзоларига товон пули тўлашга киришди. Хусусан, Нью-Йоркдаги эгизак осмонўпар бино вайронаси остида қолиб кетган ёш йигитнинг ота-онасига 1,04 миллион доллар миқдорда пул берилди. Бунинг эвазига улар суд йўли билан даъво қилиш ҳуқуқидан воз кечдилар.

ХЕНКОДА ЯНГИ БАЗА

Япония ҳукумати ҳамда Жанубий Окинава маъмурияти Америка самолётлари ва вертолётлари қўниб уадиған янги авиабаза қурилишига 3 миллион АҚШ доллари миқдоридеги сармоя ажратишга қарор қилди. Самолётлар учадиган парвоз йўли 2,5 километрни ташкил этади. Вертолётлар учун эса алоҳида майдон мўлжалланган. Янги иншоот денгиз соҳилидаги курорт минтақаси Хенко деган жойда бунёд этилади. Шамб деб аталувчи ҳарбий база ҳам, хизмат қиладиган ходимларнинг шаҳарчаси ҳам баайни шу худудда жойлашганлиги катта қулайлик туғдиради.

ЖИНОЯТНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

Толибонлар Афғонистонда яна гамирлаб қолдилар. Жумладан,

яқинда хавфсизлик хизмати ходимлари пойтахт Қобулда амалга оширилиши лозим бўлган йирик террорчилик қилишга урушининг олдин олдилар. 400 килограмм портлагич ортилган юк машинаси ушланганда жиноятга тайёргарлик яққол кўзга ташланди. Мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам шунга ўхшаш қора қилмишлар учраб турибди.

МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Исроил ва Фаластин ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашганлиғига қарамай, томонлар тинчлик ўрнатиш имкониятларини қидиришдан тўхтамаётдилар. Яқинда Исроил мудофаа вазири Биньямин бин-Элиэзер янги ташаббус билан чиққан эди. «Аввал Ғазо» деб аталган ушбу режага биноан, агар Фаластинликларнинг ўзлари мазкур минтақада осойишталикни сақлаш ва террорчиларнинг Исроил томонига ўтишларига чек қўйишни уадалай олсалар, Исроил қўшинлари бу ердан олиб чиқиб кетилади. Ана шу масала кунни кеча Фаластин маъмурияти томонидан муҳокама қилинди. Унда мухторият мазкур режага розилик бериши ва уни маъқуллаш мумкинлиги айтилди.

ТЕЗИЮРАР ТОШБАҚА

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро кўчаларининг биринчи антика бир тошбақа пайдо бўлди. Гап шундаки, бундан бир қанча вақт илгари у безорилар отишмаси пайтда орқа оёқларидан айрилган эди. Унинг техниккага ишқибоз соҳиблари тошбақаниннг чўлок оёқларига гилдиракчалар ясаб бердилар ва юрши машқларини ўргатдилар. Эндиликда ҳаракат қилишнинг ҳадисини олган бу жонивор ажобтовур тезликда юрадиган бўлиб қолди.

ТАБИЙ ОФАТ ТАЛОФАТЛАРИ

Россия жанубидаги сув тошқинлари катта талофат этказди. Кавказнинг Қора денгиз соҳилларидаги кучли ёмғирлар ва жалалар натижасида Краснодарда 15 та кишлоқ деярли сув остида қолиб кетди. Анаша шаҳри ҳам шу қисматга дучор бўлди. Қуйи Бакан кўрғонидеги сув сатҳи 3 метрга кўтарилди. Новоросийскда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Сувнинг кўтарилиши биололарнинг иккинчи қаваитдан ҳам ошиб кетди. Табиий офат оқибатида 20 дан зиёд киши ҳалок бўлди, юзлаб одамлар дом-дараксиз йўқолди.

Ушбу овоз соҳиб катнашган тadbиру анжуманларда томошабинлар сеҳр ва ором оғушида бўладилар. Бу истеъдод эгаси — таникли сўз устаси, ўзбек конференсьеллик санъати ривожига муносиб хисса қўшган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Уткир Сиддиқовдир.

СЎЗ СЕҲРИ



Сиз кутган учрашув

гансиз. Уларни ижод чоғларида кузатиб, маслаҳатларидан баҳраманд бўлгансиз.

— «...ла, буни мен ўзим учун улкан бахт деб биламан. Санъатимизнинг улкан даргалари бўлиш Мукаррама Турғунбоева, Тамара Хоним, Комилжон Отаниёзов, Халима Носирова, Галия Исмаилова... Концерт олдидан кўриладиган тайёрларлик ҳам ўзига хос бўларди. Бир кун Мукаррама опанинг концертларидан олдин у кишининг хоналирига кирдим, саломлашгач сўрадим: «Опа, бугун нечта ракс ижро этасиз?» Опа ўзларига хос ширин табассум билан, асло ботмайдиган қилиб дедилар: «Ий-йит, менинг бугун нечта ракс ижро этишим сизга боғлиқ...» Аския тарзида айтилган бу гап умрбод ёдидан чиқмайди. Назарга келтирилган ижрочи қанчалик машҳур ва тажрибали бўлмасин, унинг концертдаги муваффақияти кўп жиҳатдан бизга — бошловчиларга боғлиқдир.

— Конференсьеллик санъати тайёрлашнинг ўзига хос масъулият ва қийинчиликлари бор...
— Мен ҳамини концерт руҳига мос дастур тайёрлайман. Маълум ижодий гуруҳ билан саҳнага чиқадиган аввал ўша гуруҳ ёки санъаткорнинг йўналиши, услуби, ижоди билан танишаман. Қанчалик ўзимни наватдаги концертга тайёр ҳис қилганимдагина саҳнага чиқаман. Чунки, хонанда дастурга киритилган кўшиқни айтиб, саҳнага тарқ этавергани. Аммо, бошқарувчи кечанинг бошидан охиригача томошабин билан бирга, ҳамнафас, у маълум бир асарнинг қандай кетишига хам, бугун концертнинг муваффақиятли ўтишига хам масъулдир.

— Уткир ака, ўзбек халқининг энг ардокли, энг суюкли номлари, таникли ва бетакрор санъаткорлари билан ҳамкорлик қилгансиз. Уларни ижод чоғларида кузатиб, маслаҳатларидан баҳраманд бўлгансиз.

— Кейинги пайтда саҳнага ҳамкор — касбдош-шерик билан чиқмоқдасиз...
— Инсон борки бу дунёда яхши ном қолдирсам дейди. Бизнинг ишимизни, санъатимизни давом эттирадиганлар, янги қирраларини очиб, чўққиларга олиб чиқадиганлар эса фарзандларимиз ва шогирдларимиздир. Шу маънода бугунги кунгача кўплаг шогирдларимга баҳоли қудрат сўз санъати сирларини сингдиришга ҳаракат қилдим. Саҳнада мен билан бирга тadbирларни олиб бораётган ҳамкорим ҳам ана шу шогирдларимнинг бири — Сайёра Абдуллаевадир.

— Таъкидлаш зарурки, конференсье учун назарий билимлар билан бирга саҳнада кенг аудиторияга мувожаат қила билиш, саҳна илмини амалий ўрганиш жуда муҳимдир. Шу маънода Сайёра тиришқоқлиги, интилувчанлиги боис ҳозирда ўзи хам катта тadbир ва концертларни бемалол олиб борибди. Бундан кўриниб турибдики, саҳнадаги жонли мулоқот, калом санъатининг янги қирраларини кашф этиб, сайқаллаб боради.

— Муҳлисларингизга тилакларингиз.
— Халқимиз, муҳлисларимиз бор экан биз бормиз, ижодимиз яшнайди. Уларга дунёдаги жамийи яхши тилакларни тайлайман. Инсонлар ўртасидаги меҳроқибат йўқолмасин.

Сўхбатдош:
Муҳаббат
ЎРМОНБЕКОВА.



Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда

КОМПЬЮТЕРЛАР ТЕСТ МАРКАЗИГА УЛАНДИ

Бугун Йўлдош Охунбоев номли Қарши Педагогика ва ижтимоий-иқтисодий коллежини билмайдиган киши кам топилади. 1927 йилда ташкил этилган илм маскани ўтган вақт ичида минглаб малакали мутахассис кадрларни тарбиялаб чиқарди. Улар орасида ҳозирда республикамизнинг турли худудларида, турли жабҳаларда самарали меҳнат қилаётган, ўз касб-коридан обрў топган кишилар кўп топилади.

— 1931 йили ўқув юртидан 13 нафар ўғил-қиз илк қалдиргочлар сифатида ҳаётга йўлланма олгандилар, — дейди билим юрти директори ва зифасидан бажарувчи Абдуваҳоб Жумаев. — Улар орасида бир неча йиллар давомида турли раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган Раҳмонқул Қурбонов, Рўйиддин Раҳимов, Ўзбекистон халқ артисти Икром Болтаева, таниқли шоир Нормурод Нарзуллаев, профессорлар Анвар Чориев, Малла Очилов, генерал-майор Шодмон Умаров малаканинг борлиги билан халқи равишида фахрланамиз.

Ҳозирги кунда билим юртида «Бошланғич синф ўқитувчилари», «Меҳнат таълими», «Мақтабгача таълим муассасалари тарбиячиси», «Музыка таълими», «Хуқуқшунослик» сингари йўналишлар бўйича ёшлар ўқишга қабул қилинмоқда. Билим масканида ўтказилаётган тadbирлар талабаларнинг мустақам билим олишларини таъминламоқда. Шу боис талабалар вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаб келишяпти. Хусусан, 1999 йили билим юртининг «Зиё» дастаси «Ўзбекистон — Ватаним маним» республика кўшиқ танловида биринчи ўринни эгаллади.

Бугунги кунда 270 нафарга яқин профессор-ўқитувчилар талабаларга фан сирларини мукамал ўргатмоқдалар. 5 минг нафарга яқин талабаларнинг 400 нафари коллеж йўналишларида, қолганлари эса таълимнинг кундузги ва сиртки бўлимларида тахсил олмақда. Мукамал билим олиш учун бу ерда компьютер тизими йўлга қўйилган. Лингфон хоналари, телестудия, 40 мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлган кутубхона фаолият кўрсатаёпти. Илм масканида ахборот технологияси мавжуд бўлиб, компьютерлар интернет ва модем орқали тест марказига уланган.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» муҳбири.

Касаба уюшма спорти

Сурхондарё Дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш хиссадорлик уюшмаси вилоят Аграрчилик мажмуаси ходимлари касабаси уюшма кўмитаси ҳамда касабаси уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошқаруви билан ҳамкорликда қишлоқ футболчиларининг аънавий «Оқ олтин» кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.

«ОҚ ОЛТИН» КУБОГИ МУСОБАҚАЛАРИДА

Қишлоқ меҳнатқашларидан ташкил топган жамоалар аввалига 4 гуруҳга бўлинган ҳолда баҳslashдилар. Сўнг гуруҳлар голиблари Ангор туман марказий «Пахтакор» стадионида финал баҳсларида киришдилар.

Финал ўйинлари чиндан-да шиддатли тус олди. Ҳар бир жамоа пухта тайёрларик билан келганлигини намойиш этишга, интилди. Лекин омад кучлиларга кулиб боқди. «Оқ олтин» кубоги мусобақаларининг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи йўлланмалар Денов туманидаги С.Рахимов ширкат хўжалиги ҳамда Қизилқум туманидаги «Пахта» очик турдаги хиссадорлик жамиятининг футбол жамоаларига насиб этди.

Бундан ташқари, шу йилнинг 23-28 август кунлари Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида бўлиб ўтадиган республика «Олтин бошқоқ» футбол турнири финал беллашувларида вилоят шарафини Музробод туман «Дехқонобод» ҳамда Шўрчи туманидаги Охунбоев номли ширкат хўжалиги футбол жамоалари ҳимоя қиладиган бўлиди.

Д.РУСТАМОВ.

ЖАҲОНГАШТА САЙЁХ

Велосипедда Америка Қўшма Штатлари томон йўл олган ҳамюртимиз Мурод Қосимов Россиянинг Красноярск шаҳрига етиб келди.

Олтмиш ёшни қоралаб қолган ватандошимиз шу кунгача ўзининг «Олимп» русумли велосипедида дунёнинг йиғирма беш мамлакатига борган. Америка сифари эса унинг ҳаётидаги учинчи катта саяхатидир. 1998 йили юртдошимиз ислом динининг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилган. Кўп ўтмай эса ўзининг доимий ҳамроҳи «Олимп»да Буюк Ипақ йўли бўйида жойлашган мамлакатлар бўйлаб сафар қилди. Бу гапга мақсад - Америка.

Красноярсклик журналистлар билан сўхбатда, М.Қосимов аввал Владивостокга ўтиш, кейин АКШнинг Нью-Йорк шаҳрига бормоқчи эканини маълум қилган. Машҳур сайёх 11 сентябр кунги террорчиликдан кейин вайрон бўлган биноларнинг ўринини ўз кўзи билан кўриш ва америкаликларга ҳамдардик изҳор этиш ниятида.

(ЎзА).

Табиат ва биз

Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кеңесининг наватдан ташқари сессиясида аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш, табиатни муҳофазалаш барча тоифадаги раҳбарларнинг муҳим вазифаси эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Кўчалар ҳуснидаги доғ

Кўнғирот туманида Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофазалаш тўғрисида» ва «Табиатни муҳофазалаш тўғрисида» ги Қонунларини амалга ошириш соҳасида кўпгина чора-тadbирлар кўрилди. Бироқ, Орол муаммоси кўндаланг бўлган ва сув тақчиллиги рўй берган ҳудудда табиатни муҳофазалаш қонунлари бузилишига ҳам йўл қўйилаяпти.

— Дозарб ва муҳим ишга эътиборсизлик билан қаралаётган айрим қорхоналар, ташкилот, муассасалар ва хўжаликларда ҳавога нормадагидан ортиқ ифлослантувчи моддалар чиқарилишига, дейди биз билан сўхбатда туман табиатни муҳофазалаш кўмитаси раиси К.Ешмуродов. — Вақтида ташиб кетилмаслиги оқибатида кўчаларда чиқиндилар тўпланиб қолмоқда.

Албатта она табиатни ардоқлаб, асраб-авайлаш юзасидан мунтазам равишда чора-тadbирлар

кўрилмоқда. Ўтган давр ичида хўжалик юритувчи 42 та субъектда текшириш олиб борилди. Қонун талабларини бузган 45 дан ортиқ масъул раҳбарга 200 минг сўм жарима солинди. Тумандаги ҳайвонот ва наботот дунёсини муҳофазалаш инспекцияси гуруҳи назоратчилари томонидан 101 нафар қонунбузар 394631 сўмлик жариммага тортилди.

Сув-ҳаёт манбаи. Шаҳарлар чиқинди сувларни тозаловчи иншоот кўп йиллардан бери ишламаслигини қандай баҳолаш мумкин? Коммунал фойдаланиш бошқармаси ва айрим қорхона мутасаддиларининг эътиборсизлиги туфайли чиқиндиларни дуч келган жойга тўкиш ҳоллари содир бўлмоқда. Ахлат тўкилади, ганган махсус жойда дезинфекциялаш ва кўйдириш ишлари амалга ошириляпти. Ҳолбуки табиатни муҳофазалаш тўғрисидаги қонуннинг 22-моддасида ишлаб чиқариш чиқиндиларини атроф, табиий муҳитга зарар етказмаган ҳолда

чиқариб ташлаш учун масъулият ана шу чиқиндиларни ҳосил қилган ташкилот ёки шахс зиммасида бўлади дейилган. Табиатни муҳофазалаш

туман кўмитасининг фаолиги натижасида бултур ва йилнинг ўтган ойларида юридик тахсиллардан туман бюджетига 3289,2 минг сўм ундирилди. Аслида маблағ тўплаш билан жойларда озодалик, саранжом-саришталликка эришиб бўлмайди. Демократизм, амалий иш кўпроқ бўлсин.

Қорхона ва ташкилотлар фаолияти билан танишар экансиз, табиат муҳофазасига қаратилган тadbирлар тузиб чиқилганлигининг гувоҳи бўласиз. Бироқ режалар қорғозда қолиб кетмоқда. Туман марказидаги савдо ва умумий оватланиш тармоқлари, бозор атрофи санитария талаблари қавоб бермайди, айримларида экологик сертификатлар йўқ.

Қонунларнинг бажарилишига эътиборсизлик атмосфера ҳавоси ва атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келаяпти.

И.ИСОМИДДИНОВ.

ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР УЧУН

Жиззах вилоят ҳокимлиги ҳамда касабаси уюшмалари вилоят кенгаши ҳамкорлигида иқтидорли ўқувчилар республика ва халқаро олимпиадаларга пухта тайёрлаш мақсадида «Иқтидорли ўқувчилар ёзги оромгоҳ-мактаби» ташкил этилди. Жиззах туманига қарашли Убобой қишлоғида жойлашган Бобур номли мазкур оромгоҳда вилоятнинг барча шахар ва

олишимиз учун барча шароитлар етарли, — дейди иқтидорли ўқувчи Сардор Жўракулов. — Табиий фанлар, айниқса биологияга жуда қизиқаман. Спортнинг волейбол тури билан мунтазам шуғулланиб келяман. Оромгоҳда ўз билимини ошираётганимдан гоятда хурсандман.

Б.НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» муҳбири.

КЎҲНА КЕШ 2700 ЁШДА

Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларидан бири Шахрисабзнинг 2700 йиллигини нишонлаш мақсадида кенг қўламада қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмақда.

Не-не буюк истеъдодларга бешик бўлган кўҳна кеш мустақиллик боис яна ўз кадр-қиймати, кўркини намойиш этмоқда. Бугун Шахрисабзга ташриф бурурган меҳмон бу ерда ҳар қадамда катта тўйга ҳозирлик кўриляётганлигига гувоҳ бўлади. Бу ишларга республикамизнинг барча бурчакларидан қўли гул усталаб тақдир этилган бўлиб, улар бор маҳоратларини намойиш этмоқдалар. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ тарихий обидаларни қайта тавмирлаш учун 900 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилган. Ҳозиргача кешда 500 миллион сўмлик иш бажарилди.

«Туркистон-пресс»

ТўЛАШБОЙ — НАМАНГАН ФАХРИ

Ўзбекистон Президенти Фармонига мувофиқ бокс бўйича китъа чемпионатида юксак натижани кўлга киритган Наманган Давлат университетини талабаси, чарм кўлқоп устаси Тўлашбой Дониёров «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонига сазовор бўлди.

— Вилоятимизда манада қуриб фойдаланишга топширилган «Сардор» бокс клуби фикримиз исботидир. Бокс клуби очилиш маросимида Олий Махлис депутати, вилоят ҳокими Т.Жабборов Малайзияда бўлиб ўтган Осиё чемпионати бронза медали совриндори Тўлашбой Дониёровга қимматбаҳо эсдалик совғаларини топширди. Шу кунги мамлакатимиз боксчиларининг маҳоратларини оширишлари

Бокс

да жуда катта аҳамиятга эга бўлган вилоят ҳокимлиги кубоги аънавий халқаро турнирига ҳам старт берилди.

Мусобақада мамлакатимиз вакилларида ташқари Хитой, Сурия, Тожикистон, Қирғизистон боксчилари ҳам иштирок этишди. Тўлашбой Дониёров 51 килограмм вазни боксчилар ўртасида турнирнинг бронза медалига лойиқ қўрилди. — Наманганда ўтказилган мусобақада иштирок этганимдан хурсандман. Мамлакатингизда спортчиларга яратилаётган шарт-шароитларга ҳавасим келди, — дейди Бутун Хитой ўйинлари голиби Хо Го.

С.АЪЗАМОВА,
«Ишонч» муҳбири.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимҳужаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 21.30

Маълуми: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт — матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41 — уй.